

12 миллион киши умра зиёратида



11:07 / 29.12.2025 1472

Саудия Арабистонида 2025 йилнинг 22 ноябридан 20 декабригача (бўлган вақт оралиғида) 11,9 миллион зиёратчи умра амалларни [бажарди](#). Бу ҳақда Ҳаж ва умра вазирлиги ҳамда Масжидул Ҳарам ва Масжидун Набавий ишлари бўйича бош бошқармаси хабар берди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу вақт оралиғида турли мамлакатлардан 1,7 миллиондан ортиқ халқаро зиёратчилар ташриф буюрган. Расмийлар бу сонларнинг сезиларли даражада ошишини визага ариза бериш, учрашувларни режа асосида олиб бориш, маросимларнинг соддалаштирилгани, интеграциялашган рақамли платформалар билан боғлайдилар.

Анъанага кўра, Ражаб ойида аввалдан умра ибодатига ташриф буюрувчилар юқори бўлган.